

Қалб ғийбати ҳақида эшитганмисиз?



09:00 / 06.12.2021 5519

Бу расмда кекса киши қўйларини ғилдиракли қўра билан олиб кетяпти.

Қўйлар учун тўсиқ ясаиб, остига ғилдирак ўрнатилган.

Буни кўрган баъзилар отахоннинг ақли жойида эмас, у ноодатий иш қилибди деб ўйлашибди.

Баъзилар отахонни керагидан ортиқ эҳтиёткор, қўйларини ўғри олиб кетишидан шундай сақлаган деб ўйлашибди.

Баъзилар отахонни қўйлари йўлда хатарга учрашидан қаттиқ қўрқиб, васвасага учрабди шекилли деб ўйлашибди.

Бошқалар отахоннинг хаёлига мутлақо келмаган нарсаларни ўйлашибди.

Йўловчилардан биттаси отахондан нега бундай қилганининг сабабини сўраганда, кекса отахон «Қўйларим одамларнинг ўт-ўлан, экинларини еб қўйишидан, инсонларнинг бундан хабари йўқлигидан ва Аллоҳ таолонинг ҳузурида қўйларим қилган иш учун мен жавоб беришдан қўрқаман» дебди.

Одамлар қандай фикрдаю отахон қандай ўйда.

Инсонлар ҳақида ёмон гумон қилишдан тийилайлик! Зеро, ёмон гумон қалбнинг ғийбатидир.

Роббимиз Қуръони Каримда биз бандаларини ғийбатдан, ёмон гумондан, маълумотни текширмай тарқатишдан қайтарган.

У Зот Қуръонда шундай деб марҳамат қилган:

«Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, билмасдан, бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар» (Хужурот сураси, 6-оят).

Меҳрибон Роббимиз шу суранинг бошқа бир оятида бундай марҳамат қилган:

«Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Бирортангиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани қабул қилувчидир, раҳмлидир» (Хужурот сураси, 12-оят).

Бир-биримиз ҳақимизда ёмон гумон қилмайлик!

Аниқ билмаган нарсамиз хусусида шартта-шартта фикр билдириб ташламайлик!

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади